



Tadqiqot **uz**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих сағифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



No22
30 ноябрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
4-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
22-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-4**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
22-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-4**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 22-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ
ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ**

1. Шакирова Шоҳида Юсуповна ТЕМУРИЙЛАРНИНГ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ.....	7
2. Баратбаев Бекзод Ботирович ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ	10



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

ТЕМУРИЙЛАРНИНГ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

*Шакирова Шоҳида Юсуповна
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот
институти бўлим бошлиги
sh.rustamova1994@mail.ru*

Аннотация. Мақолада Амир Темур ва темурий шаҳзодаларнинг аёллар масаласига алоҳида эътибор билан ёндашганлиги ҳамда, ўзига хос сиёсати ҳақида маълумотлар келтирилган. Темурийлар даврида яратилган манбаларда айрим воқеалар аёллар иштирокида очиб берилиши билан характерланиши, хусусан, бу иштирокчи аёллар жамиятнинг турли ижтимоий табақасига мансуб бўлгани, улар орасида юқори табака аёллари етакчи ўринни эгаллагани ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: сиёсат, дипломатик муносолабат, гуманизм, элчи, маликалар.

Амир Темур даври дипломатиясини ўрганиш миллий давлатчилигимиз тарихи ва моҳиятини янада кенгроқ тушунишимизда катта аҳамият касб этади. Манбалар ва тарихий далиллар Амир Темур дипломатиясида тинчлик, ўзаро хурмат, рақибиға шафқат қилиш ва унга катта имкон яратиш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам элчини қадрлаш, дипломатия қоидаларига қатъий амал қилиш, инсон ҳаётининг дахлсизлиги, гуманизм ғоялари устувор бўлганлигини кўрсатади. Ҳозирги кунгача аёлларнинг дипломатик муносолабатлардаги ўзига хос ўрни ва роли алоҳида тадқиқ этилиб ўрганилмаган. Шунингдек, ўрта аср аёлларининг яшаш тарзи, жамият ва оиласидаги мавқеи, кундалик ҳаётдаги иштироки масалаларини ўрганиш ҳам ҳозирги кунда долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.

Тарихий манбаларда аёллар ҳақидаги маълумотларнинг жуда кам учраши ва уларнинг кўп ҳолларда “иккинчи даражали” шахс сифатида эътироф этилиши билан изоҳланади. Шу билан бирга мавжуд маълумотлар тарихда из қолдирган аёлларнинг келиб чикиши ва фаолиятини бизга тўлақонли очиб бермайди. Яъни манбаларда келтирилган маълумотлар кўпинча узук-юлуқ бўлиб, бу тадқиқотчига қийинчиликлар туғдиради. Юкорида келтирилган ҳолатлар маълум маънода ўрта аср аёлларининг ҳаёти ва фаолиятини бизга тизимли, даврий тарзда ўрганиш имконини бермайди.

Аммо Амир Темур ва темурийлар даври бундан мустасно. Чунки бошқа даврларга нисбатан бу давр манбалари аёллар ҳақида бирмунча кенгроқ маълумотлар бериши билан ажralиб туради. Албатта, буни Амир Темур ва темурий шаҳзодаларнинг аёллар масаласига алоҳида эътибор билан ёндашганлиги ҳамда, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос сиёсати билан изоҳлаш мумкин. Темурийлар даврида яратилган манбаларда айрим воқеалар аёллар иштирокида очиб берилиши билан характерланади. Хусусан, бу иштирокчи аёллар жамиятнинг турли ижтимоий табақасига мансуб бўлиб, улар орасида юқори табака аёллари етакчи ўринни эгаллайди.

Маълумотлар аёлларнинг ички ва ташки дипломатик муносолабатларда бевосита ва билвосита иштирок этганлигини кўрсатади. Аёлларнинг ички дипломатик муносолабатларга таъсири масаласига оид дастлабки тўлиқ маълумот Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида келтирилади. Муаллиф 1365-1366 йилда Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўртасидаги аҳд (битим ёки ўзаро келишув)нинг бузилишига Ўрда хотун сабабчи бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.



Бу аёл мўғул хонлари авлодига мансуб Тармасиринхоннинг хотини бўлиб, унинг қизи Амир Ҳусайннинг никоҳида бўлган. Ўрда хотун кўзга кўринган амирлардан бири Боязид Жалойирнинг ўғли Мусабек ва унинг қайиноғаси Али Дарвеш билан иттифоқ тузиб, Амир Темурга қарши фитна уюштиради. Улар Амир Ҳусайнга яширинча мактуб йўллади. Мактубнинг мазмуни қуидагича эди: «Фалон киши (яъни Амир Темур) хон била ва сенинг била муҳолифот андишаси бор ва сенинг ишингдин ва сўзингдин асру кўп хотири озурда бўлиб турур. Азм этибурким, сенинг била разм қилғай ва уруш тартиби била машғултурур». Амир Ҳусайн мактубни олгач, воқеа рост ёки ёлғонлигини текшириш учун Мусабек, Али Дарвеш ва Амир Темурнинг Самарқандга Ўрда хотун хузурига тўпланишлари ҳақида буйрук беради. Мусабек билан Али Дарвеш Амир Темур Самарқандга келаётганлигини эшитиб, Хўжандга қочиб кетади. Энг қизиги, ушбу хабарни эшитган Амир Ҳусайн тафтиш ишларини тўхтатади. Бундан билиш мумкин, Амир Ҳусайнга ҳақиқат аён бўлган. Лекин Амир Темурнинг ҳақ эканлиги исботланса, Ўрда хотун ва унинг қизи шаънига доғ тушиши мумкин эди. Шунингдек, Амир Ҳусайн Амир Темурга қарши ҳар қандай фитнадан ўз манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилганлигини ҳам пайқаш қийин эмас.

Амир Темурнинг ўзига хос сиёсати ва дипломатик муносабатларида Усмонийлар империяси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Тадқиқчиларнинг яқдил фикрларига кўра, Амир Темур Усмонийлар сулоласи вакили Йилдирим Боязид билан то 1402 йилги Анқара жангигача барча сиёсий масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилган. Шу боис, у бир неча маротаба Усмонийлар империясига элчилар юборган. Лекин ҳар сафар Йилдирим Боязид Амир Темурнинг мактубларига кўпол тарзда жавоб ёзган. Ҳусусан, тарихчи Ибн Арабшоҳ (1389-1450) қизиқ бир маълумотни келтиради. Унга кўра, турк султони Йилдирим Боязид Амир Темурга мактуб юборганда шундай жумлалар бор эди: "... агар сен (биз томонга) келмасанг сенинг хотинларинг учталоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсангу мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вактда менинг хотинларим учталоқ бўлсин". Муаллифнинг маълумотига кўра, Амир Темур мактубнинг хотинлар зикр қилинган жойини ўқиб, хотима (хулоса) қиласди. Чунки Амир Темур давлатида аёлларга тил тегизиши ёки уларни ҳақорат қилиш катта айб бўлиб, гуноҳ ҳисобланган. Ҳаттохи, бу даврда юқори табақага мансуб хотин-қизлар ҳақиқий исмлари билан тилга олинмай, бошқа ибора билан аталган. Ҳусусан, бунга хонум, бегим, оғо/оға, бекач ёки иккинчи исм билан номланишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Араб сайёҳи Ибн Баттутанинг маълумотига кўра, турк султонларига яқин бўлган аёл ва эркакларга ҳам "Ағо" деб мурожаат қилинган. "Ағо" сўзи турк тилида «улув» деган маънени англатган. Қиз фарзанд туғилса, "пардалик бола", "зийнат соҳиби" ёки "мастура" каби иборалар билан аталган.

Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундалигида Амир Темур ва турк султони ўртасидаги муносабатларга тўхталиб, Йилдирим Боязид қаерда бўлмасин Амир Темурни излаб топиб асир олишини, унинг катта хотинига уйланишга қасамёд қилганлигини айтиб ўтади. Шу ўринда испан элчисининг айрим маълумотлари тарихий ҳақиқатдан йироқ, ҳалқ орасида тарқалган оғзаки ҳикояларга ҳам асосланганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Юкорида келтирилганидек, Амир Темур ҳеч қачон аёлларга нисбатан бехурмат муносабатда бўлмаган. Масалан, Анқара жангидаги Бурсада турган Йилдирим Боязиднинг хазинаси ва хотин-қизларини амир шайх Нуриддин асир туширади. Амир Темур уларни хизматкорлари билан бирга Йилдирим Боязиднинг олдига юборади.

Руи Гонсалес де Клавихо Самарқандга келаётганда Салугар Сужасса деган жойда тўхтаганликларини ва бу ерда уларни бир аёл кутиб олганлигини айтиб ўтади. Бу аёл шу ерлик бир руҳонийнинг хотини бўлиб, у элчиларга иззат-икром қўрсатади ҳамда уларни меҳмон қиласди. Энг қизиги, аёл элчилар билан бирга овқатланади.

Тарихдан яна бир мисол. Миср хукмдорлари СоҲибқирон элчиларини улдирса-да, «Элчига ўлим йўқ», қоидасига биноан у томондан келган Байсақ, исмли элчига шафқат қиласди, уни ўлдириш учун қулай имкон туғилса ҳам бундай пастанашликка бормайди. Миср хукмдорининг хатти-ҳаракатларидан ғазабланган Амир Темур элчига жавоб мактуби ёзib бермайди ва шундай таъкидлайди: «Сени юборган кимса у билан яхши муомала қилишимга арзимайди, менинг унга мактуб юборишинга лойиқ эмасdir. Аммо унга айтгинки, мана мен сенинг изингдан унга томон етиб бораман ва мана менинг шерларим чанглари сенинг этагингга ёпишган(дай) у қочиш учун ёки (жойида) қарор топиши учун этагини шимарсин. Булар (қочиш ёки туриш)дан қай бирини ихтиёр этса, шунга лойиқ



имкони борича «куч-куввату отлиқ аскарлар тайёрласин»¹

Темурий маликалар нафақат ички, балки халқаро дипломатик муносабатларда ҳам фаол иштирок этган. Буни биз испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг маълумотлари орқали билиб олишимиз мумкин. Хусусан, 1402 йилда Миср, Туркия, Мўғулистан, Хитой, Испания каби давлатлардан келган элчиларни кутиб олиш маросимида Сароймулхоним (Бибихоним), Туман оға, Хонзодабегим каби маликалар ҳам иштирок этади. Сароймулхоним ва Хонзодабегимлар испан элчиси шарафига алоҳида зиёфат уюштириб, элчининг эътирофига сазовор бўлади.

Шоҳруҳ ва Мирзо Улуғбек даврида ҳам аёллар жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этганилиги кузатилади. Жумладан, Тестар вилоятидан султон Увайснинг қизи Денди султон 1414 йилда Шоҳруҳ ҳузурига элчиларини юбориб, унга ўз итоаткорлигини изҳор қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ва темурийлар даврида аёллар қайси табақага мансуб бўлмасин, жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этди. Бунда Амир Темур томонидан йирик марказлашган давлатнинг барпо этилиши, дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан йўлга қўйилган савдо-сотиқ ва дипломатик муносабатлар муҳим омил бўлди. Бу жараёнлар аёллар ҳаётига ҳам таъсир қўрсатди ва уларнинг янада фаолроқ ҳаракат қилишига туртки берди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маннонов Б.С.Амир Темур дипломатияси. – Б. 106.
2. Ибн Арабшоҳ,. Амир Темур тарихи. – Тошкент: Мехнат, 1992. 1 китоб . – Б.239-240.

¹ Ибн Арабшоҳ,. Амир Темур тарихи. – Тошкент: Мехнат, 1992. 1 китоб . – Б.239-240.



ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Баратбаев Бекзод Ботирович

Ўзбекистон Миллий университети мустақил изланувчиси

Телефон: +998(97) 966 00 14

baratbayev_b@mail.ru

Анотация Миллий тараққиётни ташкил этиш учун ягона бир яхлит метод ёки методлар тизими барпо этилиши талаб қилинади. Шунинг учун миллий тараққиётни ташкил этиш методологиясининг бош тамойилини аниқлаштириб олишга эҳтиёж туғилади.

Калит сўзлар миллий тараққиёт, тизимлилик, психологияк ёндашув, тараққиёт динамикаси, иқтисодий эркинлик

Миллий тараққиётни ташкил этиш жараёнларида Ўзбекистоннинг ilk мустақиллик давларидан бошлаб ўз етакчилик мавқенини йўқотмай келаётган методологик тамойилларидан бири тизимлилик ҳисобланади. Тизимни энг содда шаклда - қисмлардан ташкил топган бутунлик ва бутунликда намоён бўлувчи қисмлар сифатида тасаввур қилганимизда ҳам миллий тараққиётни ташкил этишни тартибли амалга ошириш методи сифатида у муҳим аҳамият касб этиши ойдинлашиб қолади¹. Бир қарашда тизим аслида ҳар қандай турдаги методнинг асоси бўлиши мумкин. Лекин бир қанча методларнинг параллел қўлланилиши жараённида тизимлиикнинг ўзи алоҳида метод сифатида намоён бўлади. Замонавий давлатчиликда миллий тараққиётнинг амалга оширишнинг муҳим соҳалари ёки таркибий қисмлари сифатида масалан, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, миллий, маданий, маърифий ва бошқа шу каби тармоқлар ажратилади. Лекин турли давлатлар миллий тараққиётни амалга ошириш жараёнларида улар кетма-кетлигини турлича белгилайдилар ва мана шу кетма-кетлик асосида қарорлар ва функционал фаолиятни тартибга соладилар. Тармоқлар кетма-кетлигининг мана шу тартиби аслида ҳар бир давлатда амал қиласиган тизимлилик методининг бошқа методлар сирасидаги мавқенини белгилайди. Шунга кўра тизимлилик ҳар бир мамлакатда ўзига хос метод сифатида амал қиласи. Айтиш керакки, миллий тараққиётнинг ўзбек моделида бешта устувор тамойил, Россия миллий тараққиётига қаратилган “Асосий стратегик режалаштириш” дастурида эса саккизта устувор тамойил қайд этилади². Ҳар икки давлат гарчи параллелизм назариясига амал қиласада, уларда сиёсий ҳокимият ёки соҳа устуворлиги ҳамиша етакчи метод сифатида кўзга ташланиб, бошқа методларни ўз назорати остида бирлаштиради. Айтиш мумкинки миллий тараққиётни амалга оширишда тизимлилик методи ҳақиқатан амал қиласа, унда масалан давлат ва жамият, сиёсат ва иқтисод, ҳуқуқ ва маданият каби методлар ёки бир вақтнинг ўзида бир неча методлар устуворлиги таъминланиши лозим. Бундай бўлмаган тақдирда тизимлилик методи ўз аҳамиятини йўқотади ва у шунчаки турли соҳаларнинг ўзаро уйғун ривожланиши намойишкорлигига айланади. Бундай ҳолатни ҳозир Ўзбекистон ҳам Россия ҳам бошдан кечирмоқда.

Миллий тараққиётни амалга оширишда психологик ёндашув методи ҳам тараққиёт динамикаси ва йўналишига катта таъсир кўрсатувчи тамойиллардан бири ҳисобланади³. Мазкур метод Ўзбекистон ва Россия бошқарув тизимида ҳозирда ҳам жиддий дикқат-эътиборда бўлиб келаётган методларданdir. 90-йилларнинг бошларида Ўзбекистон ва Россияда, қолаверса бутун собиқ Иттифоқ республикаларида вужудга келган озиқ-овқат танқислиги, моддий ва молиявий етишмовчилик, ишсизлик, эътиқодий қарама-каршиликлар, миллий

¹ Атаманчук г.В. Государственное и муниципальное управление. <https://studfile.net/preview/6702692/>

² О Концепции долгосрочного социально-экономического развития Российской Федерации на период до 2020 года. Распоряжение Правительства РФ от 17.11.2008 N 1662-р (ред. от 28.09.2018). Об основах стратегического планирования в Российской Федерации. Указ Президента РФ от 12.05.2009 № 536. <https://refdb.ru/look/3732806>.

³ Штеренсис, Михаил. Зигмунд Фрейд. — ISRADON / ИсроДон, Феникс, 2012. — 160 с.; К. Густав Юнг. О психологии восточных религий и философий. —М.: Медиум, 1994. —с. 256. Фрейд, Хорни, Кон: Психология самосознания. Хрестоматия. <https://www.labirint.ru/books/734312/>



низолар, худудий парчаланиш, ғоявий парокандалик каби кўплаб таназзул ва инқироз ҳолатларидан чиқиб кетишда мазкур методдан унумли фойдаланилган. Ўзбекистонда 1996 йилдан, Россияда 2000 йилдан бошлаб иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида ижтимоий тафаккурни шакллантиришда ҳам психологик метод самарали қўлланилди¹. Лекин мақсад ва манфаатларнинг мувофиқ қелмаслиги ёки қўлланилаётган метод тамойилларини шарт-шароитга қараб ўз вактида коррекцияламаслик, мазкур метод таъсирида қатор ижтимоий иллатларнинг юзага келишини ҳам таъминлади дейиш мумкин.

Бугунги кунда бу иллатларнинг энг кўзга ташланарлиси сиёсий ва иқтисодий дунёкарашда ахлоқсизлик ва маданиятсизликнинг устувор ижтимоий дунёкараш, ҳаёт тарзига айланганидир. Бошқача айтганда сиёсий ва иқтисодий эркинликнинг ҳукуқий асослари етарли бўлмаган шарт-шароитларда бу икки тамойилнинг зўр бериб тарғиб қилиниши унга мувофиқ ижтимоий авлод ва психологиянинг шаклланишига замин ҳозирлади.

¹ Машков В. Н. Психология управления: Учебное пособие. –СПб.: Изд-во Михайлова В. А., 2000. –208 с.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(4-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000